

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

200 Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1134-2*

(2010 йил 25 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 20-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда) ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1134, 2002 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 1 июнь,
01-02/12-9-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.